

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 9 июнь, № 121 (7623) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 8 июнь куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ижроси бўйича тақдимот ўтказилди.**

Шу йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Тақдимотда соҳадаги мақсадларга замонавий дастурчилар тайёрлашни жадаллаштириш орқали эришиш мумкинлиги қайд этилди.

"Бир миллион дастурчи" лойиҳасининг дастлабки босқичида 62 мингдан зиёд ўқувчилар қамраб олиниб, уларнинг 5 минг 400 нафарига малака сертификати берилди.

Жорий йил якунига қадар 100 минг ва 2021 йилнинг биринчи ярмида яна 150 минг нафар ўқувчини ўқитиш, талабаларнинг дастурий таъминот бўйича малакасини ошириш вазифаси белгиланди. 5-синфдан ўқитиб келинаётган "Информатика" фанини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш, ушбу фанга "Бир миллион дастурчи" лойиҳасига доир йўналишларни киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, "Электрон ҳукумат" хизматларига талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Лекин ҳозирда 780 турдаги давлат хизматидан бор-йўғи 185 тасида "электрон портал" орқали фойдаланиш имконияти мавжуд. Аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат ҳужжат алмашинувини электронлаштириш билан чекланиб қолмоқда.

Шу боис "Электрон ўқитиш дастури" орқали ўқиб диплом олган дастурчиларни давлат ва хўжалик муассасаларига IT мутахассис сифатида ишга олиш зарурлиги таъкидланди. Улар ташкилотларнинг барча фаолиятини анъанавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказишга масъул бўлади.

Мисол учун, бугунги кунда камбағал оилаларга кредит ва субсидиялар бериш масаласини махсус электрон дастур аниқ мезонлар асосида автоматик равишда белгилаши керак.

Бош вазир маслаҳатчисига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, ташкилотларда рухсат бериш ва қарор қабул қилиш жараёнларини электрон форматга ўтказиш бўйича концепция ишлаб чиқиш топширилди.

IT инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш давр талабидир. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига барча ҳудудда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув маркази очиш вазифаси юклатилди. Бу даргоҳларда дастурлаш асослари, электрон савдо ва графикли дизайн каби йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Соҳа мутахассисларига шароит яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилган эди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида мазкур IT паркнинг филиаллари ташкил қилинди. Пойтахтимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудида яна бир филиал биноси қурилмоқда.

Жорий йил якунига қадар Гулистон, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах шаҳарларида ҳам шундай филиаллар ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимотда мутасаддилар мазкур IT парклар қурилиши, оптик толали линиялар қамрови, мобиль интернет тезлиги ва сифатини ошириш ишлари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

**Ҳар бир ҳududнинг ери, ресурслари, имкониятлари ўзига хос.**

**...Фарғонага келишимиздан мақсад — бу имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, одамларга иш ўрни, даромад манбаи учун шароит яратиш, ҳар бир туман бўйича аниқ режа шакллантириш. Қандай меҳнат қилсак, шундай ҳаёт бўлади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

### Муносабат

## ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ, ҚАЛДИРҒОЧИ

*Мамлакатимизда ишлайман, оиламга, эл-юртга наф келтираман, деганга барча шароит бор. Турли имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Бундан фойдаланиб, биз ҳам давлат-хусусий шериклик асосида Ҳунармандлар марказини барпо қилдик. Бу ерда айни пайтда 600 га яқин уста-ҳунармандлар фаолият олиб бораётир.*



Президентимиз вилоятимизга ташрифи давомида бизнинг Ҳунармандлар марказида ҳам бўлиб, фаолиятимиз билан танишди, режаларимиз билан қизиқди, фаолиятимизни янада ривожлантириш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берди. Хусусан, соҳа ходимлари учун имтиёзлар, зарур шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги фикрлари давлатимизнинг аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ҳар бир оила, ҳар бир одамнинг бахтли яшаши учун кўрсатаётган ғамхўрлигидан шу юртнинг оддий бир фуқароси сифатида ўзимни ғоят мутаассир сездим, қалбим ифтихорга тўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Сизларнинг кўзингиздаги ишончни, умидни кўриб бахтиёр инсонман. Ҳеч ким ишонмаганди, шу шароитда мана шундай корхоналар ишга тушира оламиз деб. Бу Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи", деган сўзлари бизни янги лойиҳалар, улкан ғоялар устида кўпроқ ишлашга ундайди.

Корхонамизда 200 дан ортиқ турдаги ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Икки қаватли марказнинг қуйи қаватида атлас, адрас, шойи, бахмал, беқасам матолар тўқилади. Биринчи қаватда тайёр маҳсулотлар кўргазмаси, чевархонани жойлаштирдик.

Марғилон ҳунармандлари тўқиган гиламлар, ипак матолар, зардўзлик буюмлари дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган сайёҳларни ҳайратга солади. Айниқса, ипак матолари ўзининг ранги ва ажойиб гуллари, абр нусхали матолари енгил, нафис ва гўзаллиги билан ажралиб туради. Мақсадимиз сайёҳлар бу ердаги матога гул чизиш, боғлаш, қад тайёрлаш каби мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жараённи ўз кўзлари билан кўриши, унинг бевосита иштирокчисига айланишларини таъминлаш.

Юқори қаватдаги гилам цехида ҳам маҳсулотлар тўлиқ қўл меҳнати ёрдамида тоза ипакдан тўқилади. Гиламларни, асосан, Туркияга, матоларни океанорти ва Европа мамлакатларига экспорт қиламиз.

**Иброҳимжон СУЛТОНОВ,**
**«Исмоилжон гиламлари» корхонаси раҳбари.**




## ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ

*Ҳар бир ёш замонавий билимларни пухта эгалласа, ўз касбининг устаси бўлса, камолига кўз тиккан ота-онаси, халқининг юзини ёруғ қилади, мамлакатимиз фаровонлигига ҳисса қўшади. Юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида ана шу эзгу муддао мужассам.*

Айтиш жоиз, аксарият ўғил-қизларнинг орзуси хориждаги университетларда таҳсил олиш, жаҳон талаблари асосида билим ва тажриба ўрганиш. Гарчи бир нечта хорижий тилни ўрганган бўлса-да, моддий имконияти сабаб орамизда ана шу орзусига етолмаган ёшлар борлиги ҳам сир эмас. Фарғонада ташкил этилган янги халқаро олийгоҳ — Ўзбекистон — Корея халқаро университети кўпчилик ёшларнинг ушбу мақсадига эришишида улкан имконият яратди. Ватанидан олисда эмас, ота-онаси кўз олдида, қолаверса, икки томонлама мутахассислик дипломи бериладиган университетда таҳсил олиш бугун нафақат талабаларимизни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам қувонтирмоқда.

Инсон ҳаётида ҳамиша фахрланиб эслашга арзигулик воқеалар бўлади. 2019 йилда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус ижросига бағишлаб вилоятимизда "Ёшларга менинг мурожаатим" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унга кўра танловда энг юқори натижа кўрсатган 5 нафар ёш янги университетда 4 йил давомида давлат гранти асосида таҳсил олиши белгиланган эди. Ушбу танловда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин эгалладим. Халқаро университет талабаси бўлиш бахтига эришдим.

Ҳозирги кунда билим даргоҳимизда 720 нафар тенгдошим туризм менежменти, корейс тили филологияси, архитектура, мактабгача таълим, ахборот-коммуникация, компьютер ҳисоб-китоби, автомобилсозлик каби йўналишларда билим олмоқда. Янги ўқув йилида факультетлар сони яна бир нечтага ортиши режалаштирилган. Шу боис ҳам таълим масканимизда ўқиш истагида бўлган ёшлар сони ортаётгани диққатга сазовор.

Фарғона шаҳрида гўзал ва бетакрор меъморий қиёфага эга бўлган университетимизнинг янги биноси фойдаланишга топширилгани биз, ёшларнинг сабоқ олишимиз учун ишга солинган катта имкониятларнинг яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбек ва корейс халқларини кўплаб эзгу анъаналар бир-бирига боғлаб туради. Биз ёшлар ҳам келгусида ўз билим ва тажрибаларимизни ушбу дўстлик муносабатларининг мустаҳкамланиши учун йўналтирамиз. Бизга юксак ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётган Президентимиз ишончини оқлаш учун астойдил интиламиз.

**Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,**
**Ўзбекистон — Корея халқаро университети талабаси.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИДА ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган вақт мобайнида республикада ер қаърини комплекс геологик ўрганиш, узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастурларининг самарали бажарилишини таъминлаш, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ягона геология хизматини ташкил қилиш юзасидан бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, келгусида ушбу соҳада фойдали қазилмалар захираларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, энг аввало, ҳудудларда замонавий саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда етарли хом ашё базасини яратиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

**биринчидан,** геология соҳаси эҳтиёжлари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳозирги замон талабларига тўлиқ мослаштириш;

**иккинчидан,** геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт ўртасида узвий боғлиқликни етарли даражада таъминлаш, ер ҳақидаги фанлар, шу жумладан, уларнинг фундаментал йўналишлари ҳамда амалиёт ўртасида реал интеграциялашув жараёни учун шарт-шароитлар яратиш;

**учинчидан,** ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ҳамда самарали механизмларини жорий этиш;

**тўртинчидан,** кадрлар тайёрлаш тизимида моддий рағбатлантириш механизмларини яратган ҳолда олий таълим муассасаларига ҳалол ва юқори малакали ходимларни жалб қилиш.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди.

2. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ кенгайтирилсин.

3. **2020 йил 1 июлдан** бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш **хабар бериш тартибида** ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда **вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади**;

**(Давоми 2-бетда).**

### КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

**Ўзбекистонда**

2020 йил 8 июнь соат 23.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **4 440** нафар, тузалганлар **3 357** нафар, вафот этганлар 18 нафар.

**Дунёда**

2020 йил 8 июнь ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **7 053 093** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **3 161 394** нафар, вафот этганлар сони — **409 886** нафар.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор янги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда. Ушбу ҳужжатлар муҳокамасида, энг аввало, уларнинг халқимиз ҳаётига нечоғли заруратига, аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратиляпти. "Транспорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шулардан бири.*

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай зарурат бор? Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Қонун лойиҳасига масъул — Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоларининг фикрича, бугунги кунда транспорт фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, булардан "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонунлар, Ҳаво кодекси ва бошқа кўплаб қонун ҳужжатларини келтириш мумкин. Бироқ барча турдаги транспортларнинг оптимал, мувозанатлашган ҳамда уйғунлашган ўзаро алоқасини таъминлайдиган, уларни самарали логистика, аралаш йўналишлар сонини кенгайтириш орқали ягона транспорт тармоғига интеграция қилиш йўлларини аниқлайдиган ягона қонун йўқ.

Транспорт турлари — авиация, темир йўл, автомобиль, сув транспорти — бир-биридан алоҳида, ўз соҳасига оид мақсадларга интилиб ривожланган. Аслида, транспорт йўлларида мазкур транспорт турлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш мавжуд эмас.

Кўриб чиқилаётган "Транспорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва тармоқ қонун ҳужжатлари тенг юридик кучга эга. Санаб ўтилган барча қонун ҳужжатлари (режалаштирилгани ҳам, амалдагилари ҳам) бир-бирига зид бўлмаган, бир вақтнинг ўзида ишлайдиган, бир-бирини тўлдирадиган ҳамда тўғридан-тўғри амал қиладиган нормаларни белгилайди.

➔ 2

### Олий Мажлис Сенати

## Ўзбекистон — Америка парламентлари мулоқоти бўлиб ўтди

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев ва АҚШ билан парламентлараро ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи аъзолари АҚШ Конгрессининг "Ўзбекистон бўйича кокус" (дўстлик гуруҳи) ҳамраислари ва аъзолари билан видеомулоқот ўтказди.*

Унда "Ўзбекистон бўйича кокус"нинг раиси Т. Келли, гуруҳнинг аъзоси бўлган яна олти нафар конгрессмен, Конгресс стафферлари, АҚШ маъмурияти вакиллари иштирок этди.

Видеомулоқотда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболлари, бунда, энг аввало, парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Конгрессменлар Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ва эҳтиромини билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини юқори баҳолади. Уларнинг фикрича, бугунги кунда бутун дунёда авж олган коронавирус пандемияси билан боғлиқ муаммоларнинг Ўзбекистонда самарали бартараф этилиши, аввало, сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилган ўзгаришлар билан боғлиқ.

Мулоқот чоғида Конгресс аъзолари АҚШ Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсат, шунингдек, мустақиллик, суверенитетни мустаҳкамлаш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини таъкидладилар.

Америка томони Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини қайд этди. Хусусан, "Ўзбекистон бўйича кокус" (дўстлик гуруҳи) Ўзбекистон — Америка стратегик шериклигини мустаҳкамлашнинг муҳим қисмларидан биридир, дея таъкидланди.

Конгрессменлар Ўзбекистоннинг дастурлари ва лойиҳаларини, аввало, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга эришиш, давлат бошқарувини янада модернизация қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, жамиятни демократлаштиришга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Томонлар бундан кейин ҳам парламентлараро мулоқотни давом эттиришга келишиб олишди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИДА ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Геология соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш, ўқитишнинг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш, геология соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, таълим жараёнининг моддий-техника базасини илғор хорижий технологиялар асосида мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг геология соҳасида таълим, илмий-тадқиқот ва амалиёт интеграциясига ихтисослашган, Давлат геология қўмитаси таъсисчилигида давлат муассасаси шаклидаги **Геология фанлари университетини** (кейинги ўринларда — Университет) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

геология соҳасининг илмий тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифалари билан узвий боғлаган ҳолда, юқори малакали ва замонавий фикрловчи олий маълумотли кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

замонавий таълим дастурлари ва шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини ҳамда фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш, илмий-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

фан ва таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили асосида, шунингдек, жаҳон таълими ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашувни таъминлаш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш;

геология соҳасида таълим, илм-фан ва амалиётнинг узвий интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларга иқтидорли талабаларни кенг жалб қилиш, уларни самарали рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

фойдали қазилмаларнинг янги турларини аниқлаш, уларни геологик ўрганиш ва саноатда ўзлаштиришнинг замонавий усуллари, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

ер ҳақидаги фанлар соҳасидаги илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг аниқ мезонлари ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини геология соҳаси амалиётига кенг жорий қилиш;

хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари, бизнес-ҳамжамиятлари ва халқаро геологик жамиятлар билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;

геология соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жаҳон геология фани ҳамда амалиёти эришган ютуқлар ва янгиликларни чуқур ўргатиш асосида уларга етказиш, шунингдек, ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш;

фойдали қазилмалар намуналари коллекцияларини йиғиш, сақлаш ва тўлдириб бориш, ноёб ва илмий-маърифий аҳамиятга молик бошқа экспонатларни яратиш, шунингдек, ер ости бойликлари ва геологик хилмахиллик тўғрисидаги маълумотларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Давлат геология қўмитаси:

**бир ой муддатда** Университет уставининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

**икки ой муддатда** олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари учун белгиланган меъёрлар ва илғор халқаро тажрибани ўзида мужассамлаштирган Университетнинг ташкилий тузилмасининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Университет профессор-ўқитувчиларининг таркибини юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари ҳисобидан тўлдирилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Университет Давлат геология қўмитаси, тоғ-кон саноати корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун геология йўналишидаги малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот ишларини бажариш бўйича республиканинг ихтисослашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланади;

Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти, Минерал ресурслар институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Нефть-газ конлари геологияси ва қидируви институти, Геология соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамда Давлат геология музейи Университет таркибига киради;

Университетга талабалар Давлат геология қўмитаси буюртмаларига асосан шакллантириладиган ва ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларидан келиб чиққан ҳолда давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида қабул қилинади;

Университетда кадрлар мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган йўналишлар (мутахассисликлар) бўйича тайёрланади;

Университетда талабалар Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида геология ва кончилик йўналишидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетининг (Россия Федерацияси) қўшма таълим дастурлари бўйича, улар билан эришиладиган келишувларга мувофиқ ўқитилади;

Университет тегишлича Давлат геология қўмитаси тизимидаги ташкилотлар ва "Ўзбектелеком" АЖнинг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси 43, 45, 49, 64-уй манзилларидаги, Университет автогаражи эса Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М. Ашрафий кўчаси, 70-уй манзилидаги мавжуд ва янгидан қуриладиган бино ва иншоотларида жойлаштирилади ва улар оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Университетга берилади.

Бунда, "Ўзбектелеком" АЖ устав капиталидаги давлат улуши Университетга берилаётган объектнинг баланс (қолдиқ) қийматига камайтирилади.

5. Университет фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

талабаларни давлат грантлари асосида ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Давлат геология қўмитасига ажратиладиган маблағлари;

Университет томонидан Давлат геология қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланадиган тўлов-контракт асосида талабаларни ўқитишдан тушадиган маблағлар;

ҳар йилги минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурларида назарда тутилган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

республика ва халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

Университет томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Университетга академик эркинлик ҳамда ўзини ўзи молиялаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш тамойиллари асосида хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

6. Геология фанлари университетининг **Геоинновацион технологиялар маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) **ташкил этилсин**.

Белгилансинки, Марказда:

ер қаърини геологик ўрганиш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида **тадқиқотлар ва ишланмаларни янада ривожлантириш учун илғор илмий-техник база яратилади ва самарали фаолият юритилади**;

минерал-хом ашёни ўрганишнинг энг янги усулларини ва технологияларини эгаллаган **малакали кадрларнинг янги авлоди тарбияланади**;

пировард натижада ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва моддий қийматларни қайта тўлдиришга йўналтирилган **ихтирочилик ғоялари ва лойиҳалари шаклланиши учун ноёб тадқиқот майдончаси, изланувчанлик ва ихтирочилик муҳити яратилади**;

глобал инновацион тизимга интеграция қилиш, замонавий рақобатбардош усуллар ва технологик ечимлар яратиш учун **инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этишга, шунингдек, илмий-техник ва инновацион дастурларда, халқаро конкурслар ва грантларда фаол қатнашишга имкониятлар яратилади.**

Марказни жиҳозлаш учун замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат геология қўмитаси, "Навоий КМК" АЖ ва "Олмалиқ КМК" АЖнинг Марказни замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш "Навоий КМК" АЖ ва "Олмалиқ КМК" АЖ томонидан тенг улушларда ажратадиган ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Аккредитация маркази" давлат унитар корхонаси белгиланган тартибда Марказ лабораторияларининг аккредитациядан ўтказилишини таъминласин ва кейинчалик Марказнинг халқаро тан олинган аккредитация органларида аккредитациядан ўтишига кўмаклашсин.

7. 2022 йил 1 январга қадар Университет фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ импорт қилинадиган китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар), шунингдек, 2-иловага мувофиқ Марказ учун "Геолтехтаъминот" давлат корхонаси томонидан импорт қилинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар ва инвентарлар божхона божидан озод қилинсин.

8. Давлат илмий техника дастурлари доирасида "Рақамли геология" ва "Тоғ жинслари ва минералларнинг миллий электрон базаси" лойиҳалари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давлат геология қўмитаси 2021 йил 1 мартга қадар:

фойдали қазилмалар ягона электрон платформасини ишлаб чиқсин;

Университетда рақамли аэро-космик суратлардан фойдаланган ҳолда фойдали қазилма конларини масофавий зондлаш бўйича кадрлар малакасини ошириш курсларини жорий қилсин.

9. Университет фаолиятини ўз вақтида йўлга қўйиш ва белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида:

"Геолтехтаъминот" давлат корхонасига — Марказни жиҳозлаш учун мазкур қарорга 2-иловада назарда тутилган замонавий лаборатория-технологик ускуналар ва инвентарларни харид қилиш учун техник топшириқларни "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда мажбурий экспертизадан ўтказмасликка;

Давлат геология қўмитаси тизимида фаолият юритаётган ташкилотларга — ҳар йилги минерал-хом ашё базасини ривожлантириш давлат дастурларини бажариш учун геология-қидирув ишларига ўзаро ҳамда илмий тадқиқот ва лаборатория-таҳлил ишларига Университет билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

10. Давлат геология қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2020/2021 ўқув йили учун Университетга талабаларни қабул қилиш жараёни талабга мувофиқ ўтказилишини таъминласин;

ўқув жараёнига илғор таълим методикалари ва технологияларини, билим даражасини баҳолаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, амалий машғулотлар ва ўқув ишлаб-чиқариш амалиётларининг давомийлигини оширишни назарда тутувчи Университет фан дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Университет ҳузурида етакчи геология ва кончилик йўналишидаги хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетининг махсус умумтаълим ва базавий техник фанларини ўқитишга ихтисослашган **Бошланғич муҳандислик тайёрлаш марказини ташкил этсин**.

Университет ҳузуридаги Бошланғич муҳандислик тайёрлаш маркази битирувчилари ўз ўқишларини мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология қўмитасининг нуфузли таълим муассасалари билан келишувига асосан хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, Санкт-Петербург кончилик университетида ёки Университетда давом эттириши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020/2021 ўқув йилида Университет талабаларини қабул қилиш ва ўқитиш жараёнини ўз муддатида ташкил қилиш мақсадида, биринчи ўқув йилида уларни И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг тоғ-кон иши факультети ва ўқув-лаборатория биноларида таълим олишларига шароит яратиб берсин;

Давлат геология қўмитаси билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Университетда тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхатини инобатга олган ҳолда, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

Университет 2020/2021 ўқув йилида И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Қуйидагилар:

Геология фанлари университетини ташкил этиш ва унда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ;

Геология фанлари университетида саноат корхоналаридаги геология соҳасига оид муаммолар ечимига қаратилган илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишнинг мақсадли дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида назарда тутилган чора-тадбирлар ҳамда илмий тадқиқот лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

13. Геология фанлари университетининг Васийлик кенгаши таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Университет Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида олий таълимни ривожлантиришга йўналтирувчи янги шакллар, дастурлар ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмалар натижаларини геология-қидирув ишлари амалиётига самарали жорий қилиш;

Университетнинг таълим ва илмий тадқиқот салоҳиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик битимларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш;

илмий-техник ишланмаларни молиялаштириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун республика ва халқаро грант маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш;

Университетни мунтазам ривожлантиришни таъминлаш учун ҳомийлик хайрия маблағларини, техник қўллаб-қувватлаш (грантлар) ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш;

Университетнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория ва тажриба-саноат ускуналари билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш;

таълим ва илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

давлат, жамият ва бизнес тузилмалари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича янада самарали ҳамкорлик қилиш;

Университетнинг педагог, илмий ва бошқа ходимлари иш шароитларини ҳамда ижтимоий таъминотини яхшилаш.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 8 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, **базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи** ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

4. **Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга** (фрилансинг) қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар — норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиш;

контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи мобиль иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш;

мобиль илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар — тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинади;

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) **тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича** амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома **унда якка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда** берилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси **2021 йилда** тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан, қуйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган "**Бизнес навигатор**" ахборот тизимини **жорий қилсин**:

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги "Бизнес навигатор" ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари "Бизнес навигатор" ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутсин:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ қилиш.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 8 июнь



# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

1

— Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади — автомобиль, ҳаво, сув, темир йўл, шаҳар йўловчи транспорти фаолияти ва ҳамкорлигининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асосларини белгилашдан иборат, — дейди парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Ваҳобжон Муратқобилов. — Биласизми, биз қонун лойиҳасини қўлимизга олишимиз билан нималарга эътибор қаратдик? Уни ишлаб чиқиш пайтида, идоралараро ишчи гуруҳи томонидан барча тармоқ қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш масаласи кўриб чиқилгани диққат марказимизда бўлди. Масалан, АҚШда катта ҳажмли Модель транспорт кодекси бор. Бундай бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, деган қарор қабул қилинган. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини, албатта, уни янада муҳокама қилиш чоғида кўришимиз мумкин.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ташиш шартномасини тузиш, кира ҳақи, ташиш шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ва бошқалар асосида амалга ошириладиган тижорат транспорт фаолиятини назарда тутувчи Фуқаролик кодексининг йўловчи, багаж ҳамда юк ташишга оид боби асос қилиб олинган.

Мамлакат транспорт комплекси ривожи учун транзит сиёсати биринчи даражадаги муҳим омиллардан саналади. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати, халқаро транспорт коридорларини ривожлантиришда йиғилиб қолган жиддий муаммоларни ҳал қилиш учун мўлжаллanganидир.

Қўмита раисининг қайд этишича, қонун лойиҳасида транспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш, Вазирлар Маҳкамаси, Транспорт вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ушбу соҳада давлат назорати, транспорт фаолиятини лицензиялаш, транспорт воситаларини сертификатлаш ҳамда транспорт тарифлари акс этган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасига бир қатор ваколатлар бериш кўзда тутилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида батафсил кўриб чиқилади.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида бир қатор имкониятлар пайдо бўлади. Чунончи, амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари Ўзбекистон Президентининг транспорт соҳасидаги ҳужжатларидан келиб чиқадиган талабларга мувофиқлаштирилади, қонунчиликдаги мавжуд камчиликлар бартараф этилади. Транспорт фаолиятини, шу жумладан, аралаш ташишларни амалга оширишда транспорт ташкилотлари ва улар хизматларидан фойдаланувчилар ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари яратилади. Энг муҳими, миллий транспорт тизимини халқаро транспорт-логистика тизимига интеграциялаш жараёнларини чуқурлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**



Маънавият

# Адабиётга, ижодкорларга алоҳида эътибор ифодаси

*Тошкентнинг марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи бугун янгича сурат ва сийрат касб этган. Президентимиз ушбу кўркам боғда барпо қилинган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, ўзбек шеърияти султони — Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишини халқимиз қувонч билан кутиб олди...*

Бундан бир-икки йил аввал қуриб битказилган гўзал иморат — Ёзувчилар уюшмаси биносига ёнма-ён Адиблар хиёбонини бунёд этиш давлатимиз раҳбарининг ташаббуси эди. Қисқа вақт оралиғида бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қурувчилар ва ҳайкалтарошларнинг моҳирона меҳнати туфайли адабиётимиз намояндаларининг салобатли ҳайкаллари қад ростлаши боғ манзарасини ҳам, мазмунини ҳам буткул ўзгартириб юборди.

Президентимиз хиёбонда ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан дилдан суҳбат қурди. Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ҳамда маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлигини таъкидлади.

Хиёбонда Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли ижодкорларнинг ёдгорликлари ҳам жойлаштирилгани бугунги кунда адабиётга, ижодкорларга эътиборнинг алоҳида ифодаси бўлди. Улар орасида қорақалпоқ халқининг буюк фарзандлари — XIX асрда яшаб ижод қилган мутафаккир Бердақ Қарғабай ўғли, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси, XX аср туркий халқлар романчилигига катта улуш қўшган Тўлепберген Қайипбергенов ва Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсупов ҳайкалларининг ҳам ўрин олганлигидан кўнглимиз тоғдек ўсди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда қорақалпоқ адабиётига меҳр ва эътибор бўлакча. Бердақ Қарғабай ўғли, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қайипбергенов каби ижодкорларнинг асарларини севиб ўқимаган ўзбек китобхонлари жуда кам топилади. 2018 йили Бердақ шоирнинг танланган асарлари ўзбек тилида чоп этилди. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан И. Юсупов ҳамда Т. Қайипбергеновнинг 90 йиллиги юбилейлари мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди ва танланган асарлари ўзбек тилида босмадан чиқарилди.

Дарагини Қўрқут отадан бошлайдиган қорақалпоқ фольклори жуда бой. Ўтган йилларда халқ оғзаки ижодининг 100 жилдлиги тайёрланиб, чоп қилинди. XX асрда фольклор асарларни халқ ичидан ёзиб олиб, халқ мулкига айлантирган фан арбоблари Қалли Аймбетов, Нажим Давқараев, Наврўз Жапақов, Марат Нурмуҳаммедов тадқиқотлари, XIX асрда яшаб ижод қилган Бердақ, Ажиниёз, Кунхожа, Ўтеш, Умар шоирларнинг бой адабий мерослари фарзандларимиз тарбиясига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Қорақалпоғистонга сафари чоғида Бердақ, Ибройим Юсуповнинг шеърларидан сатрлар ўқиб, уларнинг ижодига катта қизиқиш билдирганига гувоҳ бўлганмиз. Нукусда Ибройим Юсупов ижод мактабининг очилиши ҳам давлат раҳбари ташаббуси маҳсулидир. Айни пайтда Қорақалпоғистонда ҳам Адиблар хиёбони ташкил этиш бўйича ишлар бошланиб кетган. Адабиёт намояндаларининг номларини абадийлаштириш, уларга ҳайкаллар ўрнатиш, кўчаларга номини бериш ёшларимизни адабиётга, китоб ўқишга қизиқтиришга қаратилган тадбирларнинг узвий бўлагидир.

**Кенгесбой КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

## Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига



# Бедорликда ўтган умр

*Илк танишувдаёқ мени ўзига ром этган адиблардан бири Саид Аҳмаддир...*

*Тошкентдек шаҳри азимда тагли-жойли, бадавлат, зиёли оилада дунёга келган Саид Аҳмад болалиги осойишта ўтмади. Ота томонидан бобоси Дадахўжабой жадидлар билан маслакдош, маърифатпарвар, онаси Зулфияхон эса қозининг қизи бўлгани учун оила бошига кетма-кет бало-қазолар ёғилди, аввал отаси Ҳусанхўжани “халқ душмани” деб қамашди, сўнг Оқилхон, Имомхон акалари ҳибсга олинди. Мухторхон акаси эса Сталинград жангларида бедарак кетди.*

*Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида урушдан аввал оила бошига ёғилган бало уни ҳам ўз комига тортди. У ҳам шоира Саида Зуннунова билан турмуш қурганидан ярим йил ўтар-ўтмас ҳибсга олинди; беш йиллик қамоқ, тергов, лагерь, жудолик азобларига матонат билан дош берди.*

Шунча кўргиликлардан кейин энди у аввалгидек яшаши, ёзиши мумкин эмас эди. Биринчи навбатда, ҳақгўй устози Абдулла Қаҳҳор, довюрак умр йўлдоши Саида Зуннунова, қолаверса, китобхони қаршисида ёлғон, енгил-елпи нарсалардан асар ясашни ўзи учун энди ор деб билди. Унинг ўша кезлардаги руҳий ҳолати хусусида ўзи алам билан айтган дил сўзлари ғоят қимматли: “Биз, ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда куйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юпун одамларни юрак амри билан ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет гражданлари, азамат чўлқуварлар деб таърифладик”.

Ижодкор учун бундан ортиқ кўргилик — фожиа бўлиши мумкинми? Булар ёзувчи бош асари “Уфқ”қа қўл уриш арафасида кўнглидан кечган мушоҳадалар. Энди у бутунлай бошқача, яъни фақат ҳақиқатни ёзишга, одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларини рўй-рост кўрсатишга чоғланади. Бир вақтлар ёзувчининг илк китоби “Тортиқ” ҳақида кескин танқидий мақола билан чиққан устоз Абдулла Қаҳҳор орадан чорак аср ўтиб, шогирдининг бу романини олқишлаб қарши олади. “Уфқ”қа бағишланган мақоласини “Илҳом ва жасорат самараси” деб атайди, ўзи ҳам илҳом ва шавқ ила дилидагиларни тўкиб солади: “Бу — соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир, шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини “тошдан” қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир”.

“Уфқ”дан сўнг Саида опа тириклигида адиб ижодидаги яна бир чўққи — “Келинлар қўзғолони” дунёга келди. Бу асар ҳам адибга катта, балки оламшумул шуҳрат келтирди.

Афсус, шундан кейин орадан бир йил ўтиб, чархи кажрафторнинг бандасини доғда қолдирадиган яна бир шеваси рўй берди, кутилмаганда Саида опа оламдан ўтди. Адибнинг галдаги ўттиз йиллик умри жудолик-танҳолик изтироблари ичида кечди. Адиб бу йилларни қишин-ёзин устоз Абдулла Қаҳҳордан мерос қолган Дўрмондаги боғ ҳовлисида ўтказди. Тенгдош ижодкор дўстлари, садоқатли шогирдлари уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилдилар. Салкам ўттиз йил давомида бу даргоҳдан дўсту қадрдонларнинг, шогирдларнинг қадами узилмади: бу масканда кечган мароқли “мажолис-ун нафоис”лар, ҳазил-мутойибалар тилларда достонга айланди.

...Кўнглим сезиб турарди: ҳаётда айни шундай давраларда бир оғиз қалтис сўзи учун боши кетганларни у кўп кўрган, кўриб юрак олдириб қўйган, ўзини ҳам, жўраларини ҳам аяш мақсадида айни шундай йўл тутарди, беозор кулги, ҳазил-мутойиба унинг учун эҳтимол тутилган бало-қазолардан асраш-асраниш учун қалқон вазифасини ўтарди. Бир гал иккимиз ёлғиз суҳбатлашиб ўтирганимизда бирдан сардафтарини — бошдан кечирган мусибатларини сўзлай кетди. Ўша пайтга қадар бунақасини сира эшитмаган эдим. Лол бўлиб қолдим. Шунча кўргиликлар, хорлик, разолатни бошдан кечириб, бу хилда қувноқ, шўх-шодон ҳолда юриш, ичак узди, хушчақчақ асарлар ёзиш... Бунинг боисини сўраганимда, шундай жавоб қилганди: “Чамамда, мени айни шу нарса — ҳазил-мутойибага ўчлик, юмор ҳиссининг кучлилиги сақлаб қолди. “Яратганнинг ўзи дард-офат билан бирга, унинг давосини ҳам беради” дейишади-ку! Агар менда айни шу кулгига ўчлик бўлмаганида аллақачон ғам-кулфатлар қуюнида ғарқ бўлиб кетардим. Эҳтимол, шу ғам-кулфатларни унутиш учун ҳам хушчақчақ нарсалар ёзгим келгандир. Пайти келганда, айтиб ўтай, кулги орқали одам боласи ҳар қандай бало-қазолардан, ҳатто ўлимдан ҳам ғолиб келганлигига кўп бор иқрор бўлганман...”

Умрининг аксар қисми сафарларда, одамлар, дўстлари орасида, ижодкор устоз, тенгдош, шогирдлар даврасида ўтган, уларга ўзгача руҳ, шавқ бағишлаган адиб айни шу жўшқин онларда асарлари учун бой хазина йиққан, тунги бедорлик чоғлари эса улар кўнглида бадиий шакллар тусини олган, сўнг қоғозга тушган. Асарларидаги ўта халқчил, пишиқ-пухта бадиий ифоданинг, сеҳрли кулгининг бош омили, замини ана шунда.

Истиқлол йилларида адиб ижодининг яна янги қирралари намоён бўла бошлади. Мустақилликка эришганимизда устоз 72 ёшда эди. Кекса бўлишига қарамай, аввалги “қуш уйқусини” ҳам тарк этиб, илҳом ва ижод оғушида яшади. Мана шу йиллари у кўпдан бери юраги дов бермай келган яқин кечмиш тарихимиздаги, ўз оилавий ва шахсий ҳаётидаги, Қодирий ибораси билан айтганда, “энг кирлик қора кунлар” фожиасини қаламга олишга чоғланди. Бирин-кетин “Сароб”, “Борса-келмас дарвозаси”, “Тақдир, тақдир”, “Офтоб ойим” каби лагерь ҳаётига оид туркум ҳикоялари майдонга келди. Улар ўзбекона миллий руҳ билан йўғрилган, лагерь даҳшатлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайдиган Саид Аҳмадчасига ўзбекона бир нигоҳ билан идрок ва талқин этилади. Чунончи, “Борса-келмас дарвозаси”га “халқ душмани” қизининг йиғлаб айтган қўшиғидан шундай сатрлар эпиграф — бош сўз қилиб келтирилган:

*Бу Ватан қандай Ватандир, ҳар гўшасида турмалар,*
*Қўнгани бир ер тополмай осмонда йиғлар турналар...*

Ватаннинг ўша йиллардаги манзарасини фақат Саид Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаши мумкин.

Ҳикоя яна ўша “халқ душмани” қизи куйлаган қўшиқдан олинган қуйидаги мисралар билан якунланади:

*Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,*
*Бузмасам маҳшар куни бағримни армон тирналар.*

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидаги бошқа бир ғоят муҳим жиҳатга ишорадир. Асарларда қаламга олинган бири-биридан мудҳиш, маломатли, ғам-ғуссага, мусибатларга тўла лавҳалар бағридан одамга қандайдир далда берадиган умид, унинг бошини “тошдан” қиладиган қудрат, зулматни ёритадиган сирли-сеҳрли нур барқ уриб туради. Ёзувчининг беназир юмористик истеъдоди туфайли мусибатлар маконида ҳам кулги, ҳазил-мутойибалар учун ўрин топилади. Энг муҳими, деярли ҳар бир ҳикояда ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга ҳиммат, мурувват туйғусини йўқотмаган “боши тошдан” аломат матонатли инсонларга дуч келамиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи — ровий (яъни муаллиф) образининг ўзи ана шундай сиймодир.

Адибнинг XX аср охирида чоп этилган “Йўқотганларим ва топганларим” китоби ҳам адабий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Ўз устозлари, тенгдошлари, издош-шогирдлари ҳақидаги эссе-бадиалардан иборат бу китоб ҳам шавқ билан ўқилади, у аллақачон аср адабиётининг оғир ва шонли йўли, “ҳаётий лавҳалари”ни гавдалантирувчи жонли тарихи — ўқув қўлланмаси деб тан олинган. Адибнинг “Киприкда қолган тонг” (2003), “Зилзила” (2005) китобларига кирган хотираларида ҳам шу руҳ давом эттирилди.

Адиб узоқ йиллар кўнглига бетиним ғулғула солиб келган “қўрқув салтанати” ваҳмларидан халос бўлиб, дилидаги оҳу зорларини тўкиб солишга эришди. Унинг адабиёт, эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. “Буюк хизматлари учун” ордени, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонлари билан мукофотланди.

Эл-юрт ардоғидаги суюкли адиб Аллоҳ инъом этган узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлидан мудом бедорликда омон ўтди, жамики синовларга дош беролди. Яратган етук асарлари қаҳрамонлари каби ўзининг ибратли ҳаёти, беназир шахсияти, суҳбатлари билан ҳам халқимиз, адабиётимиз тарихи, замондошлари хотирасида ёрқин из қолдирди.

**Умарали НОРМАТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.**

## Китоблар олами

### Мозийдан садо бергувчи асар



*Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий “Асарлар”ининг 7-жилди чоп этилди. Мазкур китобдан мумтоз адабиётимиз вакилининг “Шоҳиду-л-иқбол” (“Иқбол шаҳодати”) асари ўрин олган.*

*Мазкур бадиий-тарихий асарда 1865 йилда Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг Хоразм тахтига ўтиришидан бошлаб, 1872 йилгача бўлган воқеалар баён этилади.*

*Китобни филология фанлари доктори Нафас Шодмонов нашрга тайёрлаган.*

### «Ёғдуларга чўмган кўнгиллар»



*Шундай туйғу бор: инсонни маънан улғайтиради. Қалбини ғуборлардан тозалайди. Руҳини поклаб, куч-қувват ато этади. Бу — муҳаббат!*

*“Шарқ” НМАК Бош таҳририяти томонидан чоп этилган Муҳаммад Шодийнинг “Ёғдуларга чўмган кўнгиллар” номли китоби ушбу тилсимли туйғунинг буюк қудрати ҳақида. Китобда жамланган ҳикояларни мутолаа қилиб, муҳаббатнинг неларга қодир экани, у ҳақдаги ҳаққоний, таъсирли манзараларга гувоҳ бўлиш мумкин.*

### «Шеър санъатлари»



*Ваҳоб Раҳмоновнинг “Шеър санъатлари” китоби ҳам “Шарқ” НМАКда нашр этилди.*

*Филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев, педагогика фанлари доктори Санобар Нишонова тақризи остида чоп қилинган мазкур рисола умумтаълим мактаблари ўқувчилари, абитуриентлар, ўқитувчилар, филолог талабалар, аспирантлар, магистрлар, шоирлар ва илмий ходимларга ҳамда сўз санъати билан қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР КУНИМИЗ ТАРИХ

*Тарихни ҳаққоний ва холис ёритиш учун, аввало, манбалар, маълумотлар етарли бўлиши лозим. Шу маънода, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётини ўрганишда архив ҳужжатлари муҳим ўрин тутади. Модомики шундай экан, архив ҳужжатларини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бу ҳужжатларга нафақат бугун ёки эрта, балки асрлар оша ҳам инсонлар мурожаат қиладилар. Халқимизнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти ҳақида маълумотлар олади.*

## 9 июнь — Халқаро архивлар куни

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда барча соҳа қатори архив ишига ҳам муносабат ўзгарди. Жумладан, Қашқадарё вилоятидаги 20 дан зиёд архив муассасалари ўз балансида бўлган бинолар билан таъминланди. Хусусан, Ғузор ва Яккабоғ туманлари давлат архивлари учун замонавий лойиҳа асосида бино бунёд этилди. Ваҳоланки, архивлар собиқ тузум даврида қозонхоналар, зах ертўлаларда, ижарада фаолият юритиб келган.

2010 йил 15 июнда имзоланган “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соҳада ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Архивлар фаолиятига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ҳужжатларнинг безиён сақланиши асослари мустаҳкамланди.

Шунингдек, қонунда тугатилган ёки қайта ташкил этилаётган ташкилот, муассаса, корхоналарнинг ҳужжатлари архивлар сақловига топширилиши, ҳужжатларни жамлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишда идоравий архивлар хизмати, архив ҳужжатларини мамлакатимизга олиб кириш ва олиб чиқиш тартиблари, архив иши соҳасида қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланди.

Президентимизнинг 2019 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори юртимизда архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини такомиллаштириш, қоғоз шаклидаги, кино, фото ва фоно ҳужжатларини рақамлаштиришни янада жадаллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Пировардида архив иши замонавий шакл ва мазмун билан бойитилди. Жумладан, Фармонда архив иши ҳамда иш юритиш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини босқичма-босқич рақамлаштириш ва суғурта нусхаларини яратиш, архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ишларини фаоллаштириш орқали архив ахборотларидан фойдаланувчилар сонини кенгайтириш белгиланди. Архив хизматларининг босқичма-босқич Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини ташкил этиш, архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда инфратузилмасини янада модернизация қилиш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий усуллари жорий этилаётгани халқимизнинг оғирини енгил қилиб, кўплаб оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Соҳа ходимларини танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш йўли билан кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойиллари жорий қилинмоқда. Соҳа меҳнаткашларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари кўриляпти.

Қарорга мувофиқ, 2020 — 2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш, 2020 — 2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш, 2023 — 2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш дастурлари қабул қилинди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда архив иши ҳамда иш юритишнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, муассасалар архивчи ва иш юритувчи кадрларининг уч йилда камида бир марта малакасини ошириш, улар учун турли ўқишлар ташкил этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, архив иши ва иш юритишга оид республика ҳамда халқаро миқёсда семинарлар, конференциялар, анжуманлар ўтказиш белгилангани соҳани замонавий фикрлайдиган, юксак билим ва салоҳиятга эга кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида Қашқадарё вилояти давлат архиви томонидан ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Фондимизда сақланаётган жами 111456 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар босқичма-босқич рақамлаштирилиб, уларнинг суғурта нусхалари яратилаётир.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари фаолиятимиз самарадорлигини янада оширяпти. Қолаверса, архивчиликка доир энг сўнгги усул ва услублар ишимиз самарадорлигини оширибгина қолмай, фойдаланувчиларга янада қулайликлар туғдирмоқда.

Архивлар ҳар бир шахснинг, жамоанинг ёки ҳудудга мансуб аҳоли қатламларининг йиллар давомида олиб борган ишларига гувоҳлик бериб, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини бевосита баҳолаб боради. Архивлар асрлар оша яшаб келаётган халқимизга хос бебаҳо қадриятларни, урф-одат ва анъаналарни, маънавий қарашларни, ривожланиш тамойилларини авлодларга нодир асарлар, ҳужжатлар воситасида етказишга хизмат қилади. Шу боис тарихнинг ҳақиқий кўзгуси бўлган архивлар оддий қизиқувчилардан тортиб, ўқувчилар, талабалар, илмий тадқиқотчилар, олимлар, хорижлик меҳмонларнинг диққатини тортадиган қадрли масканлардир.

**Ж. АБДУВОҲИДОВА,**
**Қашқадарё вилояти давлат архиви директори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6